



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ**  
**КАМОЛОТ ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ**

---



**“ҚИШЛОҚ ВА СУВ  
ХЎЖАЛИГИНИНГ  
ЗАМОНАВИЙ  
МУАММОЛАРИ”**

*мавзусидаги анъанавий XV- ёш  
олимлар, магистрантлар ва  
иқтидорли талабаларнинг  
илмий-амалий анжуман*



*XV – traditional Republic scientific –  
practical conference of young  
scientists, master students and talented  
students under the topic*

**“THE MODERN PROBLEMS OF  
AGRICULTURE AND WATER  
RECOURCES”**

**МАҚОЛАЛАР ТўПЛАМИ**

**Тошкент – 2016 йил 15 – 16 апрель**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ**

**КАМОЛОТ ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ**

---

**“ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИНИНГ ЗАМОНАВИЙ  
МУАММОЛАРИ”**

*мавзусидаги анъанавий XV- ёш олимлар, магистрантлар ва  
иутидорли талабаларнинг илмий-амалий анжуман*

**МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ**

**/II-ҚИСМ/**

**ТОШКЕНТ – 2016**

## МУЗРАБОТ ТУМАНИДА ЕР ФОНДИДАН ФОЙДАЛАНИШ ДАРАЖАСИ ВА ТАҲЛИЛИ

Сайдалиева Г.А. - ТИМИ магистранти

### Аннотация

*Ер ресурсларидан унумли ва самарали фойдаланиш, уни саулаш сугориладиган деҳқончилик билан шуғулланадиган мамлакатларда, жумладан Ўзбекистон Республикаси агробиёсатида доимо марказий ўринни эгаллаб келмоуда. Ушбу вазифаларни бажариш учун сугориладиган ерлардан фойдаланиш жараёнини таҳлил улиши муҳим асамиятга эга.*

Мамлакатимизда ер ресурсларидан самарали фойдаланиш Президентимиз белгилаб берган бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади, чунки халқимизнинг 60% дан кўпроғи қишлоқларда яшайди, уларни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаб туриш сугориладиган деҳқончиликнинг ривожланишига бевосита боғлиқдир. Фан–техника таррақиёти замонда ердан фойдаланиш ҳар томонлама характер касб этмоқда. Бунда қишлоқ хўжалигининг манфаатлари саноат талаблари ва ижтимоий жиҳатлар ҳисобга олинмоқда.

Ердан оқилона фойдаланиш ва уни сақлаш қўлланилаётган иқтисодий, ҳуқуқий ҳамда техникавий чораларнинг муқобил уйғунлашувини ўз ичига олади. Ердан фойдаланиш ва уни сақлаш амалиёти табиий муҳитнинг халқ манфаатлари йўлидаги биологик барқарорлигини кўп жиҳатдан белгилаб берилиши олимлар: А.С.Султонов, З.Я.Худойбергандов ва С.А.Қўчқоровалар томонидан қайд этилган[1,16-176]. Туман ер фондидан самарали фойдаланиш истикбол йўналишларини аниқлашда уни амалдаги ҳолати, ер тақсимоли, фойдаланиш даражаси каби масалаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Сурхондарё вилояти Музработ туманида мавжуд ер фондининг тоифалари ва турлари бўйича тақсимланиши ҳақидаги 2016 йил 1 январь ҳолати бўйича олган маълумотларимизда туманнинг умумий ер майдони 73923 гектардан иборатлиги қайд этилган.

Тадқиқот объектида 9 та Қишлоқ Фуқаролар Йиғинлари (ҚФЙ) ва Маҳалла Фуқаролар Йиғинлари (МФЙ) сони эса 37 тани ташкил этади. Қишлоқ фуқаролар йиғинининг ўртача майдони учун 8213 гектар ер майдонлари ажратилган. Аҳоли турмуш тарзини яхшилаш мақсадида, МФЙ учун 1997 гектар ер ажратилган. Шу ўринда туманда ташкил топган 535 та фермер хўжаликлари фаолияти учун ер фондининг 30187 гектари ажратилган. Шахсий ёрдамчи хўжалик ер майдони учун 5498 гектар ва экин ерлар учун 3093 гектар майдон ажратилган.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар 36286 гектарни, экин ер майдони ва сувли ерлар 33353 га, тумандаги кўп йиллик дарахтзорлар 859 га ни, чорва молларини боқиш учун мўлжалланган яйлов ерлари эса 2074 га ни, мелиоратив қурилиш ҳолатидаги ерларни 18 га ни эгаллаган, ўрмонзорларга 340 га ни, ихтисослиги боғдорчиликка асосланган фермер хўжаликлари ерларига 362 га, узумзор майдонларига 217 га, пахта, ғалла ер майдонлари атрофини ўраб турган тутзорлар учун эса 272 га ва кўчатзорлар ва бошқа экинлар учун эса 8 гектар ер майдонлари ажратилган.

Туманда пахта, ғаллачиликка 491 та фермер хўжалиги ихтисослашганлигининг гувоҳи бўлди. Ушбу фаолиятларни амалга ошириш учун уларга туман ер фондидан 29518 гектар экин майдони ажратилган. Боғдорчилик, узумчилик ихтисослиги бўйича 22 та фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Чорвачиликка ихтисослашган 11 та фермер хўжалиги мавжуд. Бундан ташқари балиқчилик, теракчилик, асаларичилик, тутзорчиликка яъни бошқа йўналиш ихтисослиги бўйича 11 та фермер хўжалиги туманда ўз фаолиятларини олиб бормоқда[2,20-216].

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 2-боб, 8-моддасида ер фонди ва унинг тоифалари тўғрисида бир қанча тўлиқ маълумотлар ёритилган. Унда Ўзбекистон Республикаси ер фонди белгиланган асосий фойдаланиш мақсадига кўра 8 та тоифаларга бўлинади. Ер кодексида кўрсатиб ўтилганидек ер фондидан ҳуқуқий ва амалий жиҳатлардан келиб чиққан ҳолда тўғри ва самарали фойдаланиш учун қулай миқдордаги ер участкалари билан таъминланиши керак.

Ер фондининг тоифаси ер участкаларини бериш ҳуқуқига эга бўлган органлар томонидан қабул қилинадиган ер участкаларини реализация қилиш тўғрисидаги қарорларда, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тасдиқловчи гувоҳномаларда, шартномаларда, бошқа ҳужжатларда, давлат ер кадастри ҳужжатларида кўрсатилади. Ердан асосий фойдаланиш мақсади ерлардан ер-кадастр ҳужжатларида акс эттириладиган аниқ мақсадларни кўзлаб фойдаланишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартиби ва шартларидир. Ер фондининг бир тоифасидан бошқасига ўтказиш ердан асосий фойдаланиш мақсади ўзгарган тақдирда амалга оширилади.

Туман ер фондини тоифаларга бўлиш ва бир тоифадан бошқасига ўтказиш ер участкаларини бериш ҳуқуқига эга бўлган органлар томонидан амалга оширилади. Ҳар бир тоифадаги ер фондлари фойдаланиш мақсади ва тартибига кўра ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар 8 та тоифани ташкил этади. Мамлакатимиз ер фонди таркибида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар мустақил тоифани ташкил этиб муҳим ўринни эгаллайди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида улар алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, асосий восита сифатида ҳаракат қилади[3,29-69б.].

Қонунга кўра, ер фондида кўрсатилганидек, қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ёки ана шу мақсадлар учун белгиланган ерлар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ҳисобланади. Сурхондарё вилояти Музработ туманида мавжуд ер фондининг тоифалари ва турлари бўйича тақсимланиши ҳақидаги 2015 йил 1 январга бўлган ҳисоботи Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси”, Вазирлар Маҳкамаси қарор ва топшириқлари ҳамда “Ергеодезкадастр” давлат қўмитасининг буйруқ ва топшириқлари асосида корхона, ташкилот, ширкат ва фермер хўжаликларининг ердан фойдаланишларини назорат қилиб, ер ажратиш ҳужжатларига асослашиб тузилган. Ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг умумий ер майдонлари 2015 йил 1 январга бўлган ер ҳисоботига нисбатан қуйидагича тоифаланади.

#### 1-жадвал

#### Туман ер фондини ер тоифалари бўйича тақсимланиши (гектар ҳисобида)

Т/р	Ер фондининг тоифалари	Умумий майдон		
		1.01.2015й. (га)	1.01.2016й. (га)	Фарқи (га) +,-
1.1	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар.	56009	<b>56003</b>	<b>-6</b>
1.2	Улардан, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашлиси	48502	<b>48496</b>	<b>-6</b>
1.3	Ижарадаги фермер хўжаликлар	31469	<b>30187</b>	<b>-1282</b>
1.4	Ёрдамчи қишлоқ хўжалик корхоналари	75	<b>75</b>	
1.5	Бошқа вазирликлар, ташкилотлар ва корхоналарга қарашли ерлар	<b>7432</b>	<b>7432</b>	

Аҳоли яшаш жойлари	603	603	
Саноат, транспорт, муҳофаа, алоқа ва бошқа мақсадлар учун белгиланган	7213	7219	+6
Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар	36	36	
Ўрмон фонди ерлари	289	289	2,0
Сув фонди ерлари	1561	1561	
Захира ерлар	8212	8212	
<b>Жами ерлар:</b>	73923	73923	

Ушбу жадвалдан кўришиб турибдики, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли ерлар саноат, транспорт, муҳофаа ва бошқа мақсадлар учун белгиланган ерларга 6,0 гектар ер берилиши ҳисобига камайган. 2015 йил ер ҳисоботида ёрдамчи қишлоқ хўжалиги корхоналари фойдаланишидаги ер майдонларига ўзгариш бўлмаган. Таҳлил йилларида туман ҳисоботидаги ўрмон хўжалиги ер майдони ўзгармаган. Томорқа фондида ўзгариш бўлмаган. Саноат транспорт ва алоқа сатрида қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли ер тоифасига 6 гектар қўшилиб умумий ер майдони 6 гектарга кўпайганлиги аниқланди.

Туманда 18 та массив бўлиб, уларнинг ҳудудларида 495 та ижарадаги фермер хўжаликлари, 2 та бошқа вазирликлар, ташкилотлар ва корхоналар, 2 та ёрдамчи хўжалик корхоналари мавжуд бўлиб, 73923 гектар ердан фойдаланади, шундан: 33353 гектари экин ерлар, 859 гектари кўп йиллик дарахтзорлар, 2074 гектар яйлов ерлар, фуқароларнинг томорқа ерлари 5498 гектар, мелиоратив қурилиш ҳолатидаги ерлар 18 гектар, ўрмонзорлар 340 гектар ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар 22025 гектарни ташкил этади. Туман бўйича 16193 та томорқа ер участкаси бўлиб, уларга бириктирилган ерлар 5498 гектарни ташкил қилади.

Хулоса қилиб айтганда, туман ер фондидан тўғри тақсимланган тарзда фойдаланиш, ердан фойдаланувчи ҳар бир субъект ва фермер хўжалиги тўғри ва оқилона фойдаланса ўз олдига қўйган мақсадига кўра йиллик режа бўйича юқори ҳосилдорликка эришадилар. Бундан ташқари туман ер фонди тақсимотида табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, алоҳида муҳофаза этиладиган ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ер тоифалари мавжуд эмаслиги аниқланди. Шунинг учун жадвалда кўрсатилмади.

#### Адабиётлар рўйхати

1. А. С. Султонов., З.Я.Худойберганов., С.А. Кўчқорова. Сув Хўжалиги Иқтисодиёти (дарслик) Тошкент–2007 -310 бет.

2. Сурхондарё вилояти Музработ тумани паспорти маълумотлари 2015йил.24 – бет.

3. Ер кодексига шарҳлар / Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, юридик фанлар доктори, профессор М.Х. Рустамбоевнинг умумий таҳрири остида. Масъул муҳаррир: М.Б.Усмонов. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2007. – 402 бет.

4. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. Тошкент-1998йил. 76 - бет.

5. Интернет сайтлар:

<http://ecoinform>.

[freenet.uz](http://freenet.uz) <http://aqua>.

[freenet.uz](http://freenet.uz)

Илмий раҳбар:

и.ф.н., доц. Қ.Раҳмонов.